

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИ, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒЛОМОВ, Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85; Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 0500, 27353 нумрада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерга терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамид ТОВАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ. Навбатчи — Ф. САНАЕВ. Мусоҳиҳ — Ф. УСМОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрирда ҳамми 5 қўғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топшириди — 21.20 1 2 3 4 5

ИЧКИ ВА ЖАҲОН БОЗОРИ МУЛКИ

Келажак буюқ Ўзбекистон давлати бозор иқтисоди талабларидан, ўтиш даври имкониятларидан келиб чиқиб, ҳоризий фирмалар билан биргаликда ўзинида ҳамда жаҳонда соғиналган буюмлар ишлаб чиқариш учун қўшма корхоналар барпо этиш дастурини рўйбга чиқармоқда. Ўзбекистон Инглиз саноат уюшмасига қаршили чинни ишлаб чиқариш корхоналари ҳам сўзсиз шу йўлдан бормоқда. Тошкент чинни корхонасида ҳам технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизимини ташкил этишга, иқтисодий самардорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қарда бўлмасин зибратчилар, харидорлар кўзига чўдек ташланиб турган, қулай ва кўркем Ўзбек чиннисини кўпайтириш, уни эгаси бўлишга иштиқъанд кишилар эҳтиёжини қондириш, дўконлар очиш ниятидаги, чиннининг миллий турларига мослашган Тошкент корхонаси кенгайтирилмоқда. Ял-ял товланиб турган, ети иқлимга тарқалган, аҳолига манзур бири-бирдан чиқиб кетган, чойнак, пиёла, тақсимча, сервизлар, гулдон, кўзалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чоралари кўришмоқда. Чиннининг экспонатлар, қошонолар безаклари силсиласига кўр бериб, зибратчиларнинг, олий мартабали меҳмонларнинг кўзига қувонч, қалбига сурур бағишлаб, мустақил Ўзбекистондан сўзлаб тураркан, унинг мутасаддиси жиддий, талабчан, тадбиркор бўлиши аниқ мушоаодир. Дўстлик ифодаси, олий ҳаётининг шукронаси, рамзи, қадри-қиммати мартабасини сақлаб оладиган хўжаси бўлиши заруратдир. Зеро, уни корхонанинг давлат миқёсида, жаҳон андозлари даражасида ишлашига қодир хомашёси ҳам, моддий-маънавий имконияти ҳам, инженер-техник, олим, мутахассис, маҳоратли ҳунармандлари ҳам бор. Тижорат ботида тадбиркорлар етарли. XIII асрда Темурийлар давлатининг пайдо бўлиши ва тараққий этиши билан XIV-XVI асрларда сири сopol буюмларини ишлаб чиқаришга қандай эҳсон солинган бўлса, XXI аср бўлагасида мустақиллик ҳокимияти ўрнатилиши билан, янгиланиш, ислохотлар, тикланиш даврида

сўмлик, юз хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Корхона пойдеворида гишт қўйилган 1949 йилдан бери у ерга бориб тураркан. Ҳар борганимда бир янгиликни кўраман, ҳуш хабар эшитаман. Ёдимда, бир борганимда марҳум академик, машҳур археолог олимимиз Яхё Ёлмоғамов меҳмон эдилар. У кишининг таклифи билан қадимий Афросиёб шаҳридан топилган расмлар асосида янги гулли чинни идишлар чиқарилган бўлган эди. Устоз Навоийнинг 525 йиллик тўйи арафаси — 1968 йилнинг январда корхона ҳовлисида шошилиб кетаётган, ўша вақтдаги бош расм Ботир Собировни учратганимиз кўз унгимда. — Директоримиз Абдурауф Иброҳимов чақиритилар. Навоийшун олимимиз Ҳамид Сулаймонов ҳам бор эмишлар, — деди у. Кўп ўтмай Навоий тўйи муносабати билан унинг газалларидан парчалар ёзилган, расми туширилган 360 минг дона чинни идиш чиқарилган эди, ўшанда. Кейинги бир борганимда Ўзбекистон халқ расмони Чингиз Аҳмаров билан Ўзбекистон Расмлар уюшмасининг аъзоси, корхонанинг етакчи мўйқалам ус-

лиги, Ўзбек халқининг саноати, маданияти хабарчиси бўлиб мангу яшар. Келажак наслларга, Ер юзи мамлакатлари яралган замони, ҳам замини, ташаббускорлари, раҳнамолари, ижодкорлари ҳақида сўзловчи соломмага айланар. Бу табиий ҳол. Чинни буюмлар қадимдан бой амалдорларнинг, хону бекаларнинг эътиборларини торттиб келган. Чиннининг гўзаллиги, чидамлилиги, айнамаслиги, нафислиги, бебаҳолиги кўп давлат раҳномаларини, мулкдорларини қизиқтирган, ифтихорига айланган. Чиннилар азалдан мўйқала, қимматли буюм сифатида юқори баҳоланиб келинган. Саройларга қатор чиннилар қўйилган. Меҳмонлар, элчилар уларга боқиб, руҳлари кўтарилиб, кўзлари қувнаб ўтганлар. Давлатнинг буюклиги, улугворлиги, жаҳоншумул қудратлилиги тимсоли бўлган. Ҳозирги кунда ҳам чинниларга эъзоз юқори. Истамбул шаҳридаги Тупқоли саройининг бугун музейга айлантирилган бўлиналаридан бехисоб, ранг-баранг Оврўпо, Хитой чиннилари жой олган. Туркия жумҳурияти чиннилар жозибасини кўришга келаёт-

ҚОШОНАЛАРГА ЯРАШИЎЛИК



- * ТИЛЛОЛАРГА БАРОБОР ЎЗБЕКИСТОН ЧИННИСИНИНГ ДОВРУФИ
- * МИЛЛАТНИНГ ЮЗИ, ТАРИХНИНГ ИЗИ, ДАВР ЗИЙНАТИ
- * РЎЗҒОРЛАРГА ЗАРУРАТ
- * МУЗЕЙЛАРГА ЗЕБ
- * МЕҲМОНЛАРГА, ТЎЙЛАРГА ШОҲОНА АРМУҒОН

таси Анвар Нўмоннинг ижод маҳсули Шароф Рашидовнинг «Қашмир қўшиғи» асосида яратилган расмларни, маҳсул ишланган лаганларга қўйилган Етти иқлим гўзаллари тасвирини кўрсатишганди. Мустақил Ўзбекистонимизни 1991 йилнинг декабридаёқ биринчи бўлиб тан олган Туркия Жумҳуриятининг раҳматли Президенти Тургут Узола, ҳозирги Президенти, ўша вақтда Бош вазир бўлган Сулаймон Демиррәла Йўлбошимиз Исом Каримов зарбоп тўн билан, муҳтарам меҳмонларнинг расмлари туширилган Тошкент чиннисозлари маҳсули — чиройли кўзаларни тақдим этганларида, бу шохона армуғонлардан меҳмонларнинг кўзлари ёниб, маҳлиё бўлиб тикилиб қолганларининг гувоҳи бўлганман. Эҳ-ҳе, Ўзбекистон чиннисининг довриги қарларга кетмаган дейсиз, қайси нуфузли тарих, маданият ва санъат музейларига, Президентлар саройларига, қадимжо қошоноларга қўйилмаган дейсиз. Уларни санаб адоғига етиб бўлмас. Канада, Норвегия, Гвинея, Бразилия, Москва, Руминия, Шри-ланка, Загребда ташкил қилинган халқаро савдо-саноат кўргазмаларида, Дамашқ, Познань, Лейпциг ва бошқа қатор хорижий шаҳарларда бўлиб ўтган ярмаркаларда юқори баҳо олган, олтин нишонлар соҳиб бўлган, Дунё тан олган корхона бу кун янги тур чиннилар ишлаб чиқармоқда. Келгусидаги режалари янада аъло.

ган сайёҳлардан миллионлаб доллар фойда кўрмоқда. Бухоронинг Ситораи Моҳи Хосса саройи тоқчаларини турли чинни буюмлари беэаб турипти. Чиннининг таърифи-таъсифи буюқ алломалар, санъатшунослар, маданият арбаблари томонидан юқори баҳоланиб келинади. Бинобарин, унинг номи ҳам шохларга дахлдор. Чинни — Фарфор сўзи — форсча «фегфур» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «хоконинг буюми» деган маънони англатади. Айни вақтда «фегфур» — «фегфур» Хитой ҳукмдори, деган маънога ҳам эга. Энг муҳими, чинни буюми тарихнинг ўлмас обидасидир. Маърифатли буюқ мамлакатга хос мукамаллик сари шиддат билан олим ташлаётган Ўзбекистонимиз чиннисозлигини ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган. Унинг ҳозирги обрўмиз, тарихимиз, маданиятимиз ҳамда фойда кўришимиз манбаига айланиши муқаррар. Бугуннинг ўзидаёқ Ўзбекистон чинниси дунёда машҳур Хитой, Япония, Чехия чиннилари қаторидан муносои ўрин олган экан, аёнки бу мартабага осонликча, бир армуғон, тортиқ тўёна ёки товар сифатида эришган эмас. Албатта, дунёнинг талабчан, синчков, зукко мутахассислари, ҳақамлари синовидан ўзининг сифати, қиммати, беназирлиги билан ўтиб, фотиҳ бўлган. Гўзал Ўзбекистон тимсоли, манзараси, бетақор тарихий обидалари, Ўзбек халқининг хуш табиати, лаюфати, бойликлари рамзи янглиг қадр-қиммат топган. Ўзбекининг ўз чинни-сида акс этган алломалари, арбаблари, файлауфлари, айбоблари, мусаввирлари, мутафаккирлари расми, Қуръон оятлари, Ҳадис уғитлари, ҳикматли сўзлари жозибаси билан диққатга сазовор бўлган. Ўзбек мўйқалами усталарининг маънавий-ижодий дунёси, табиатининг назокатлари, маҳорати оҳанграбодий қалбу нигоҳларни ўзига тортди, мафтун этди. Рухи ва нафосати эсда қолди. Ўзбек чинниси Шарқ ва Ғарб маданияти ҳамкорлигининг мевасидан баҳраманд этувчи риштага айланиб қолди.


АВЛОДЛАРГА ХУРРИЯТ ДАВРИДАН СЎЗЛАР

Умри оқар дарё, дейдилар. Замон-замонлар ўтар, бугун миллатимизни фахри ва ифтихорига айланган турли чиннилар — маънавиятимизнинг, овоз ўзбек халқи яратган миллий бойлигимиз санъатимизнинг рамзи сифатида ноёб тарихий ёдгорликка айланар.

Афросиёбда, Кува «Шахристон»ида ва бошқа қатор кўна шаҳарларда қадимшунорлар топган чинни идишлар намунаси сингари авлодларга Йўлбошимиз Исом Каримов даврининг — хуррият даврининг ёдгор-



билан диққатга сазовор бўлган. Ўзбек мўйқалами усталарининг маънавий-ижодий дунёси, табиатининг назокатлари, маҳорати оҳанграбодий қалбу нигоҳларни ўзига тортди, мафтун этди. Рухи ва нафосати эсда қолди. Ўзбек чинниси Шарқ ва Ғарб маданияти ҳамкорлигининг мевасидан баҳраманд этувчи риштага айланиб қолди.



Ўзбекистон маҳаллий хомашёсига таянган чинакам Ўзбек миллий чиннисозлигига, унинг ривожланишига пойдевор қилинган бўларди. Ўзбек миллий, куррайи замндаги бошқа халқлар каби қадимий халқ, узоқ, бой тарихга эга. Чиннисозлик ҳам кўна юртимизда яшаган аجدодларимизнинг юксак ва ўзига хос бадиий маданият яратганликлари гувоҳидир. Қум, тупроқ остидан топилган шиша, чинни ва сopol буюмлар, ҳайкалча, шарқларнинг мармуруна улугворлиги, гоът нафис санъати ва нақшлардаги ранго-ранг чизма образларнинг уйғунлиги билан кишини қанчалик тонг қолдирган бўлсалар, ҳозирги замонадод мутахассисларимиз устанга таваққулни, ошган бадиий маҳоратнинг кучи, етуклиги билан ниҳоятда кўркем, ўлмас чиннилар ишлаб чиқаришлари ишонамиз.

Расул РАҲМОНОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ер юзида ҳаёт пайдо бўлибдики, адамзот чиннидан турли мақсадларда фойдаланиб келади. Чинни — уй-рўзгор буюми, безак, соғва, дастгоҳ, машина мурувати, курлиш, электр айвеси сифатида заруратга айланган. Чинни — меҳнат ва санъат самараси, миллат тимсоли янглиг мангиллик дахлдор. Бугунги кунга келиб, довриги оламега кетган Ўзбекистон чинниси сайёрамиз бўлиб ардоқда. Тошкент, Самарқанд, Қувасойнинг қўли гул, моҳир, зукко усталари чинни буюмларининг беназир, ноёб, бетақор нусхаларини яратиб дунёнинг тажрибали чиннисозлари билан беллашиб, гўлиб чиқиб, асрий андозлардан ўзиб, соғиналарга, тақсимчаларга мушарраф бўлиб Ўзбекистон байроғини баланд кўтармоқдалар. Улмаас тарих ва юксак таъриф Ватани — Мустақил юртимиз бу камбў соҳида ҳам жаҳондаги даргалардан бириса айланмоқда.

МОЗИЙДАН САДО

Чиннисозлик бизга ота-боболаримиздан қолган қадимий касб бўлса ҳам носоз тузум даврида унинг ривожланишини бўғиб қўйган эдилар. Улугбекнинг расадхонаси ёнида соф чиннидан ясалган «чиннихона»си бўлган. Бобур Мирзо «Бобурнома»ида чиннидан яратилган ажойиб сарой ва кўшклар борлигини мукамал тасвирлайди.

Чинни ишлаб чиқариш Навоий замонасида ҳам, ундан кейин ҳам эзгу уналардан, ширин орзулардан ҳисобланган. Бу асрий арзунинг туб маънода ушалishi, бойиши Мустақил Ўзбекистонда ўз рўйсини кўрди.

ШОҲОНА АРМУҒОН

Чиннисозлик мураккаб, нозик ҳунар. Лойга тил, ҳусн ато этишининг ўзи бўлмади. Баҳор осмонидек ложуварда, ойнадек шаффоф, қозғодек юпқа, танбур навосидек жаранглор, мовий кўл сатҳдек силлиқ чиннилар ишлаб чиқариш учун керакли зарур хомашёнинг асосийларини аввал собиқ Иттифоқнинг Марказий гўшалари — Урал, Сибирдан ҳамда Украина, Қозғоғистондан таниб келтиришга мажбур эдик. Мустақил тузум тугагач, у ҳам тўхтаб



қолди. Маҳаллий хомашёни тезла ишта солиш, давр қудратини кўрсатиш эҳтиёжи тугилди. Ўзбекистон саноатининг равнақи учун синчковлик билан курашиб келаётган Президентимиз Исом Каримовнинг эътиборлари бу муаммони ҳам шиддат билан, тобида ҳал этишга қаратилди. Геолог олимларимиздан бошлаб мутахассислар, Тошкент чинни буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқаруви раиси Файзулла Раҳматуллаев бошлиқ корхона конъюрларининг сай-ҳаракати билан ишхона тез фурсатда маҳаллий хомашёга кўчди.

Ҳозирги кунда чиннига керакли асосий маъданларни Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Навоий вилоятлари етказиб бермоқда. Улар Ангренда қайта ишланиб, бойитилмоқда. Турги, ҳозирча чинни лойи механик йўл билан бойитилмоқда. Бу усул эса чинниларнинг сифатига таъсир қилмоқда, у жозибасини йўқотмоқда. Лекин бирлашма чиннининг жаҳон андозлари даражасига кўтариш борасидаги ишларини, ишланishларини давом эттиряпти. Шу мақсадда бу йил Олмония чиннисозлари билан Тошкентда лойини кимёвий усулда бойитувчи қўшма корхона барпо этиш ҳақида шартнома тузилди. Марказий Осиеёба биринчи бўлиб олтинни суолтириш технологияси яратилди. Корхонага янги дастхоналар ўрнатилди. Зарур мутахассисларни тайёрлаш мақсадида корхона қошидаги билим юрти фаолияти тақомиллаштирилди. Бирлашмада ҳозир 2 мингга яқин киши ишламоқда. 1997 йилда 217 миллион 183 миң сўмлик, 1996 йилдаги нисбатан 70 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришди. 1998 йилги режа яна ҳам ортиқ. Январь-август ойлариининг ўзида 148 миллион

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги олдидан ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Термизда икки кун давом этган «Алпомиш ўйинлари» республика биринчи фестивали доирасида «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Ж. Нораилев олиб борган бу анжуманда таниқли фольклоршунос олимлар ва мутахассислар, кинорежиссёрлар, жамоатчилик вакиллари қатнашди. Анжуманда ўтмиш аждодларимиз ҳаёти, турмуш тарзини ва урф-одатларининг бадиий ифодаси бўлиши ушбу достоннинг муҳим тарбиявий аҳамияти ҳақида гап борди. Унинг турли вариантларини, жумладан, Сурхондарё вариантларини чуқур тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Чори ТЎХТАЕВ, ЎЗА муҳбири.

Обуна — 99 «АВАСТО» «ГУЛИСТОН»ДА

Илоҳ Аҳра Мазда пайғамбар Зардуштга дунёда илк бор бино қилган шаҳри ҳақида сўзлаб бераркан, дейди: «Мен яратган ватанлар ишқини ўша ерлик халқларнинг кўнглига жо айдилар, токи улар ўз ватанларини тарк қилиб, бошқа ерларга бош олиб кетмасинлар...» Одамлар Ватан ишқи илоҳий туйғу эканини, эҳтимол билмас. Аммо бу ҳақиқатда илоҳий туйғу эканини, бундан 3000 йил муқаддам Аҳра Мазда ўз эҳтисога билдирган экан. Янги илмий илоҳи — Аҳра бунини шунчаки айтаётгани йўқ, балки бу туйғунинг инсонлар кўнглида ато айланган. «Гулистон» журнали 1991 йил унда журнал «Санъат» номи билан юритиларди/ зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авасто»ни унинг ун сонда чоп этиб, ўқувчиларига тақдим айллади. Тахририят «Авасто»нинг қадимий нашрларини қўрииб топши, уни ўқувчиларига етказиш учун сурункасига саккиз йил иланиши олиб борди. Ниҳоят «Авасто»нинг ноидр нашри Эрондан олиб келинди. Юқорида сиз ўқиган парча «Авасто»нинг «Вандилод» қисмидан олинди... «Гулистон» журнали узининг хайри анъаналарига амал қилиб, 1999 йил ва ниҳоят «Авасто»нинг 2700 йиллигини қайи этиш мўжжаланган янги аср ибтидоида ҳам ўз саҳифаларида бу буюқ тарих ва маданият ёдгорлигининг чоп этишини режалаштирган. Демак, сиз «Гулистон» жур-

налига обуна бўлсангиз, Шарқ халқларининг икки илоҳий, маънавий, маданий, тарихий ва абайий ёдгорлиги — зардуштийлик динининг буюқ китоби «Авасто»нинг «Вандилод» қисминини ва улуг Исом мутафаккири, шоир ва файласуф Мавлоно Жаълолидин Румийнинг беэавол «Маснавий-маънавий» асарини мутолаа қилиш ҳамда маданиятимиз ва санъатимизга доир бошқа кўпдақ қизиқарли материаллар билан танишишга муяссар бўласиз. Журнал индекси: якка обуналар учун — 820, ташкилотлар учун — 806.

М. НАБИЕВА, журнал масъул котиби.

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Кўп йиллардан буён андижонлик табиёт олимлари лимфология соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориб, сезиларли натижаларга эришмоқдалар. Уларнинг бу бордаги тажрибаларини оммалаштиришга бағишланган бир қатор илмий конференция ҳамда кенашларнинг Андижонда ўтказилганлиги фикримизнинг далили бўла олади. Келим чиқиси бобурийлар авлодига тушган доктор Али Навоз Хон анча вақтдан буён андижонлик олимлар билан амалий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Юқорида тилга олинган илмий монографиянинг инглиз тилига таржима қилиниб нашр этилиши беэосита Али Навоз Хон номи билан болгидир. Рисоланинг аҳамиятини шундан ҳам билиш мумкинки, у халқаро кутубхона каталогига рўйхатдан ўтган.

Андижон табиёт институтининг кенгашиининг қарори билан английлик докторга фахрий профессор унвони берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома топширилди.

Қ. АСҚАРОВ, Андижон.

«Узгазоий»да» институти жамоаси Ўзбекистон Республика Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг солиқ биринчи муовини Зикрилла Зокирович КАЛОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чуқур таъзия ихдор этди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси, қасаба уюшмаси кўмитаси, республика «Агрисаноат ахбороти» хўрасдорлик жамоати раиси Марат МҲМИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чуқур таъзия ихдор қилди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси, қасаба уюшмаси кўмитаси вазирлик бошқарма бошлигининг ўринбосари Раҳим Муеурмоноша турмуш уртоғи Ҳосият ИНОЯТОВАнинг беэақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихдор этди. Утелерадиокомпанияси жамоаси, меҳнат фахрийси, таниқли доктор, Ўзбекистон халқ арвисти Гувурий ЮНУСХУҲАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзолари ва қариндошларини чуқур таъзия ихдор этди. Тошкент Давлат иқтисодий унверситетининг ректорати ва қасаба уюшмаси кўмитаси кечки факультет декани, доцент Баҳодир Калоннга отаси Зикрилла КАЛОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихдор этди. Тошкент вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси жамоаси бошқарма бошлигининг ўринбосари Хумоюн Ашуралиевага падарни бузуқкорни Абдурашид АШУРАЛИЕВнинг беэақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихдор этди.

Vinlad Xa'etингизни тинч ва хотиржам қиламиз! ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН ЕВРОПА ВА АМЕРИКАДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЖИҲОЗЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ. • Муҳофаза сигнализацияси; • Ёнгиндан сақлаш сигнализацияси; • Телекузатув; • Доимий назорат; • Махсус воситалар. МАХСУС ХИММОЯ ПЛЕНКАЛАРИ. тел: (3712) 50-46-13, 50-99-13, 50-86-80 факс: 50-03-61, Тошкент ш., Қушбеги, 18.